

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИ
КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН
СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ

2018 йил II чорак

Тошкент 2018 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. СЎРОВНОМА ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ	4
II. РЕЗЮМЕ	6
III. ЖОРӢЙ ИҚТИСОДӢ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ	8
3.1. Ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар ўзгариши	8
3.2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархлари ўзгариши	11
3.3. Ташқи иқтисодий фаолият	13
3.4. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати	15
3.5. Инвестицион фаолият	16
3.6. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати	17
3.7. Кредитлаш шарт-шароитлари	18
3.8. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши	19
IV. ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ КУТИЛМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ	20
4.1. Ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва нархлар ўзгариши	20

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармонида Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Марказий банк пул-кредит сиёсати чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланиш мақсадида Марказий банк томонидан 2018 йилнинг II чорагидан бошлаб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан даврий (чораклик) сўровнома ўтказиш йўлга қўйилди.

Мазкур сўровномани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолатни ва ўзгаришларни мониторинг ва таҳлил қилиб бориш ҳамда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг мамлакат иқтисодиётидаги жараёнларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Мазкур сўровнома шакли етакчи хорижий марказий банклар, шу жумладан Россия Федерацияси Марказий банки, Қозогистон Республикаси Миллий банки ва бошқа МДҲ давлатлари марказий банклари тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жами **62** та саволни ўз ичига қамраб олган.

Сўровнома қуйидаги **5** та бўлимдан иборат:

- умумий иқтисодий ҳолат ва хатарлар;
- корхоналарнинг молиявий-иктисодий ҳолати;
- маҳсулотлар (ишлар, товар ва хизматлар) нархларининг шаклланиши;
- корхоналарнинг инвестицион фаолияти;
- корхоналарнинг яқин истиқболдаги кутилмалари.


Мазкур сўровнома ҳар чорак якуни бўйича Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари томонидан сўровнома шаклларини бевосита корхона ва ташкилотларга тарқатиш орқали ўтказиб борилади.

I. СЎРОВНОМА ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ

2018 йил II чораги якуни бўйича ўтказилган сўровномада жами 437 та корхона ва ташкилотлар қамраб олинган бўлиб, уларнинг 120 таси (28 фоизи) озиқ-овқат саноати, 58 таси (13 фоизи) енгил саноат, 55 таси (12,5 фоизи) савдо ва умумий овқатланиш, 38 таси (8,6 фоизи) қурилиш материаллари саноати, 29 таси (7 фоизи) транспорт соҳаси, 28 таси (6,4 фоизи) тиббий хизмат соҳаси, 28 таси (6,4 фоизи) туризм соҳаси, 27 таси (6,2 фоизи) қурилиш ишлари соҳаси, 12 таси (3 фоизи) кимё саноати, 10 таси нефть-газ саноати ҳамда қолган 32 таси электроэнергетика, донни қайта ишлаш, тоғ-кон саноати, автомобиль саноати, фармацевтика ва кабель маҳсулотлари тармоқларида фаолият юритади (1-расм).

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)




Хусусан, сўровномани ўтказиш жараёнида республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзшаробсаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Ўзэлтехсаноат” АЖ таркибида кирувчи корхоналар ҳамда «Олмалиқ тоғ-кон металлургия

комбинати» АЖ, «Навоий төғ-кон металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК каби йирик корхона ва ташкилотлар қамраб олинган.

Худудлар кесимида, сўровномада қатнашган корхона ва ташкилотлар умумий сонида Тошкент шаҳрининг улуши 11 фоизни, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари улуши 9 фоизни, Фарғона вилояти улуши 8 фоизни, Қашқадарё вилояти улуши 7,6 фоизни, Бухоро вилояти улуши 6,9 фоизни, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Навоий вилоятлари улуши 6,6 фоизни ташкил қилади (2-расм).

2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг худудлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)



Сўровнома доирасида республика худудлари иқтисодиётидаги жорий ҳолатни ва ўзгаришларни тўлақонли ва сифатли баҳолаш мақсадида Қарақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиётининг деярли барча асосий тармоқлари қамраб олинган бўлиб, ҳар бир тармоқ бўйича камида 2 тадан корхона (ташкилот) сўровномада қатнашиш учун танлаб олинган.

II. РЕЗЮМЕ

Жорий йилнинг II чораги якуни бўйича ўтказилган сўровнома натижалари умуман олганда мазкур чорак мобайнида республика иқтисодиётидаги ҳолатнинг I чоракка нисбатан яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, сўровномада қатнашган корхона ва ташкилотларнинг 82 фоизи сўнгги чорақда иқтисодиётдаги ҳолатнинг нисбатан яхшиланганлигини, шу жумладан 56 фоиз респондентлар маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмларининг реал ҳисобда ошганлигини, экспортёр корхона ва ташкилотларнинг 43 фоизи эса экспорт ҳажмининг ошганлигини маълум қилган.

Шунингдек, иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишига мос равища, респондент корхона ва ташкилотларнинг 46 фоизида жорий йилнинг II чораги давомида иш ўринлари сони кўпайган.

Юқоридаги ижобий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётида сўнгги даврларда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар, хусусан валюта бозори фаолиятининг эркинлаштирилиши, ташқи савдо шарт-шароитларининг яхшиланиши, бизнес ва инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича ишларнинг кучайтирилиши билан изоҳланиши мумкин.

Ўз навбатида, сўровнома натижалари иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш имкониятлари мавжудлигини ҳамда республикамиз иқтисодиётининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланилишига тўсқинлик қилаётган омилларнинг сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, сўровномада қатнашган корхона ва ташкилотларнинг қарийб 40 фоизи сўнгги чорақда ишлаб чиқариш ва тадбикорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) сақланиб қолаётганини маълум қилган.

Респондент корхона ва ташкилотларнинг 60 фоизида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 80 фоиздан, қарийб 20 фоизида эса 50 фоиздан паст бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг амалдаги ҳажмининг унинг потенциал ҳажмидан паст эканлиги англатади.

Бундан ташқари респондент корхона ва ташкилотларнинг 32 фоизи табиий газ таъминотида, 39 фоизи электр энергияси таъминотида ҳамда 45 фоизи инфратузилма обьектларидан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланиш борасида муаммоларнинг мавжудлигини маълум қилган. Ушбу ҳолат иқтисодиётда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишига ҳамда ишлаб чиқаришнинг янада кенгайтирилишига тўсқинлик қилаётган хатарлардан деб баҳолаш мумкин.

2018 йилнинг II чораги мобайнида респондент корхона ва ташкилотларнинг фақатгина 43 фоизи ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга оширганлиги иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг нисбатан суст даражада шаклланганлигини англатади.

Сўровнома доирасида реал сектор корхоналари маҳсулотлари (иш, хизматлари) нархларининг ўзгариши ҳам ўрганилган бўлиб, сўровнома натижалари респондент корхона ва ташкилотларнинг қарийб 40 фоизида нархларининг ўтган чоракка нисбатан оширилганлигини кўрсатди. Бунда, респондентларнинг 31 фоизида нархларнинг 1-5 фоиз оралиғида ва 39 фоизида 6-10 фоиз оралиғида оширилганлиги иқтисодиётда маълум даражадаги инфляцион босимнинг сақланиб турганлигини кўрсатмоқда.


Шунингдек, сўровнома натижалари иқтисодиётнинг реал секторидаги ўсиш динамикасининг 2018 йил якуни бўйича ҳам сақланиб қолиши кутилаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, респондент корхона ва ташкилотларнинг қарийб 70 фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан респондентларнинг 20 фоизида ўсиш суръатининг 1-5 фоиз оралиғида, 30 фоизида эса 6-10 фоиз оралиғида бўлиши кутилмоқда.

III. ЖОРӢ ИҚТИСОДӢ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ

3.1. Умумий иқтисодӣ ҳолат ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши

2018 йилнинг II чораги давомида республикадаги иқтисодӣ ҳолатнинг ўзгаришига корхона ва ташкилотларнинг муносабати ўрганилганда, респондентларнинг **82** фоизи умумий иқтисодӣ ҳолатнинг I чоракка нисбатан яхшиланганини маълум қилган (3-расм).

3-расм. Мамлакатда иқтисодӣ ҳолатнинг ўзгариши юзасидан жавобларнинг тақсимланиши




Тармоқлар кесимида, корхона ва ташкилотларнинг қурилиш материаллари саноатида 95 фоизи, кимё саноатида 92 фоизи, нефть-газ саноатида 90 фоизи, озиқ-овқат саноатида 84 фоизи, енгил саноатда 78 фоизи, фармацевтика саноатида 33 фоизи, туризм соҳасида 86 фоизи, тиббий хизмат соҳасида 81 фоизи, қурилиш ишлари соҳасида 74 фоизи ва транспорт соҳасида 66 фоизи мамлакатда иқтисодӣ ҳолатнинг жорӣ йилнинг I чорагига нисбатан яхшиланганлигини билдирган.

Сўровномада қатнашган корхона ва ташкилотларнинг қарийб **60** фоизи сўнгги чоракда ишлаб чиқариш ва тадбикорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) камайганлигини билдирган.

Шу билан бирга, респондентларнинг 13 фоизи юқоридаги хатарларнинг нисбатан ошганлигини, 17 фоизи хатарларнинг ўзгаришсиз қолғанлигини ҳамда 11 фоизи ушбу хатарларнинг ошган ёки камайғанлигини баҳолаш қийинлигини маълум қилган. Бошқача қилиб айтганда, корхона ва ташкилотларнинг 40 фоизи ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қийинчиликлар, тўсиқлар ва муаммоларнинг сақланиб қолаётганини маълум қилган (4-расм).

4-расм. Ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши




Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши юзасидан олинган жавоблар, корхона ва ташкилотларнинг 56 фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмларининг реал ҳисобда ошганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, корхона ва ташкилотларнинг тоғ-кон саноатида 80 фоизида, кимё саноатида 75 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 66 фоизида, донни қайта ишлаш саноатида 63 фоизида, озиқ-овқат саноатида 60 фоизида, енгил саноатда 52 фоизида, нефть-газ саноатида 50 фоизида, электроэнергетика ва фармацевтика тармоқларида 33 фоизида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари ошган.

Шунингдек, транспорт соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг 72 фоизида, туризм соҳасида 67 фоизида, тиббий хизмат соҳасида 64 фоизида, қурилиш ишлари соҳасида 63 фоизида хизмат кўрсатиш ҳажмлари жорий йилнинг I чорагига нисбатан ошган.

Бунда, респондентларнинг 24 фоизида ишлаб чиқариш ҳажмлари 1-5 фоиз оралиғида, 27 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 16 фоизида 11-15 фоиз оралиғида ошган (5-расм).

5-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми ошиш кўрсаткичларининг тақсимланиши




Шу билан бирга, корхона ва ташкилотларнинг **11** фоизи сўнгги чоракда **ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайганлигини**, 28 фоизи эса ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгармаганлигини маълум қилган. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши ҳолатлари асосан электроэнергетика тармоғида (сўровномада қатнашган мазкур тармоққа тегишли корхона ва ташкилотларнинг 44 фоизида), автомобиль саноатида (40 фоиз), нефть-газ саноатида (20 фоиз), қурилиш материаллари саноатида (11 фоиз), енгил саноатда (12 фоиз), фармацевтика саноатида (67 фоиз) кузатилган.

Таъкидлаш жоизки, сўровномада қатнашган корхона ва ташкилотларнинг **58** фоизи сўнгги чорак мобайнида маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талабнинг ошганлигини, 10 фоизи талабнинг камайганлигини, 27 фоизи эса талабнинг ўзгармаганлигини маълум қилган.

Тармоқлар кесимида, маҳсулотларига (иш, хизматларига) талаб ошган респондентларнинг улуши кимё саноатида 75 фоизни, донни қайта ишлаш саноатида 63 фоизни, озиқ-овқат, енгил саноатда ва нефть-газ саноатида 60 фоизни, қурилиш материаллари саноатида 58 фоизни, транспорт соҳасида 69 фоизни, туризм соҳасида 68 фоизни, тиббий хизмат соҳасида 54 фоизни, қурилиш ишлари соҳасида 63 фоизни ташкил қилган.

Бунда, **маҳсулотларга (ишлар, хизматларга)** бўлган талабнинг ўзгаришини респондентларнинг 34 фоизи аҳоли даромадларининг ўзгариши билан, 25 фоизи маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ўзгариши билан, 19 фоизи эса рақобатчилар сонининг ўзгариши билан изоҳлаган (6-расм).

6-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га бўлган талабнинг ошишига (пасайишига) сабабчи бўлган омиллар




Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг буюртмалар билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда, уларнинг **92** фоизи буюртмалар билан таъминланиш даражасини ижобий баҳолаган.

3.2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархлари ўзгариши

Сўровнома доирасида корхона ва ташкилотларда **маҳсулотлар (иш, хизматлар) нархларининг ўзгариши** ўрганилганда, респондентларнинг **38** фоизи сўнгги чорак мобайнида нархларни оширганлигини қайд этган.

Бунда, ушбу корхона ва ташкилотларнинг 82 фоизида нархлар 15 фоизгача бўлган миқдорда оширилган бўлиб, респондентларнинг 31 фоизида нархларнинг ошиши 1-5 фоиз оралиғида, 39 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 12 фоизида 11-15 фоиз оралиғида шаклланган (7-расм).

7-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархининг ошиши




Тармоқлар кесимида қаралганда, корхона ва ташкилотларнинг тоғ-кон саноатида 60 фоизида, кимё саноатида 47 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 39 фоизида, озиқ-овқат саноатида 40 фоизида ва енгил саноатда 32 фоизида маҳсулотлар нархлари жорий йилнинг I чорагига нисбатан ошган.

Қурилиш ишлари соҳасида респондент корхона ва ташкилотларнинг 77 фоизида, транспорт соҳасида респондент корхона ва ташкилотларнинг 48 фоизида, тиббий хизмат соҳасида эса факаттина 22 фоизида иш ва хизматлар нархлари оширилган.

Бунда, респондентларнинг 65 фоизи нархлар ошишининг асосий сабаби сифатида хом-ашёлар нархларининг ошишини кўрсатган.

Хусусан, хом-ашёлар нархларининг ошиши корхона ва ташкилотларнинг 22 фоизида 1-5 фоиз оралиғида, 39 фоизида 6-10 фоиз оралиғида, 16 фоизида эса 11-15 фоиз оралиғида шаклланган (8-расм).

8-расм. Хом-ашёлар нархларининг ошиш кўрсаткичлари



Ўз навбатида, респондентларнинг 40 фоизи сўнгги чорак давомида импорт қилинган хом-ашёлар нархининг ошганлигини маълум қилган.


3.3. Ташқи иқтисодий фаолият

Сўровнома натижалари корхона ва ташкилотларнинг фақатгина 36 фоизи экспорт фаолияти билан шуғулланишини, қолган 64 фоизи эса ўз маҳсулотларини (ишлар, хизматларини) фақат ички бозорда реализация қилишини кўрсатмоқда.

Бунда, экспортёр корхона ва ташкилотларнинг 40 фоизида экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг (хизматларнинг) жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмидаги улуши 1-10 фоиз оралиғида, 16 фоизида 11-20 фоиз оралиғида ҳамда 13 фоизида 21-30 фоиз оралиғида шаклланган. Бошқача қилиб айтганда, сўровномада қатнашган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисмида (қарийб 70 фоизида) экспортнинг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмидаги улуши 30 фоиздан ошмайди.

Шунингдек, сўровнома натажалари 2018 йилнинг II чораги мобайнида экспортёр корхона ва ташкилотларнинг **43** фоизида **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)** экспорти ҳажмининг ошганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, экспортёрларнинг **18** фоизи ҳисбот даврида экспорт ҳажмининг камайганлигини маълум қилган (9-расм).

**9-расм. Сўнгги чоракда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти
ҳажмининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши**



Экспорт ҳажмининг ошиши респондентларнинг 32 фоизида 1-5 фоиз оралиғида, 23 фоизида 6-10 фоиз оралиғида, экспорт ҳажмининг камайиши эса респондентларнинг 20 фоизида 1-5 фоиз оралиғида, 37 фоизида 6-10 фоиз оралиғида кузатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида қаралганда, **экспорт ҳажмининг ўсиши** корхона ва ташкилотларнинг енгил саноатда 51 фоизида, тоғ-кон саноатида 50 фоизида, озиқ-овқат саноатида 43 фоизида, кимё саноатида 36 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 11 фоизида, туризм хизматлари соҳасида 62 фоизида ҳамда транспорт хизматлари соҳасида 60 фоизида кузатилган.

Бунда, корхона ва ташкилотларнинг 31 фоизи 2018 йилнинг II чораги мобайнида ташқи бозорда маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талабнинг ошганлигини, 26 фоизи эса ташқи бозорларга чиқиш шарт-шароитларининг осонлашганлигини маълум қилган.


Шу билан бирга, **экспорт ҳажмининг камайиши** корхона ва ташкилотларнинг қурилиш материаллари саноатида 31 фоизида, кимё саноатида 27 фоизида, енгил саноатда 20 фоизида ҳамда автомобиль саноатида 60 фоизида қайд этилган (10-расм).

Экспорт ҳажмига салбий таъсир қилган омиллар сифатида экспорт қилувчи корхоналарнинг 16 фоизи ташқи бозорларда нархларнинг пасайганлигини, 7 фоизи ташқи бозорларда корхона маҳсулотларига талаб пасайганлигини, 8 фоизи эса ташқи бозорларга чиқиш қийинлашганини билдирган.

3.4. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинганда, респондентларинг 60 фоизи ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 80 фоиздан, қарийб 20 фоизи эса ушбу кўрсаткичнинг 50 фоиздан паст эканлигини маълум қилган (10-расм).


10-расм. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг корхоналар бўйича тақсимланиши



Бунда, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланмаслик масаласи айrim тармоқларда айниқса долзарб ҳисобланади. Ҳусусан, сўровда қатнашган кимё саноати корхоналарининг 83 фоизида, автомобиль саноати корхоналарининг 80 фоизида, енгил саноат корхоналарининг 74 фоизида, озиқ-овқат саноати корхоналарининг 73 фоизида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 80 фоиздан паст даражада шаклланган.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлик фойдаланмаётган корхона ва ташкилотлар бундай ҳолатнинг асосий сабаблари сифатида хом-ашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни, электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги муаммоларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга (ишлар, хизматларга) талабнинг пастлигини ҳамда айланма маблағлар танқислигини кўрсатган (11-расм).

11-расм. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслик сабабларининг тақсимланиши



3.5. Инвестицион фаолият

2018 йилнинг II чораги мобайнида **корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллиги** (ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш) нисбатан суст даражада бўлиб, жами респондентларнинг фақатгина **43** фоизи ҳисобот даврида инвестицион харажатларни амалга оширган.


Хусусан, корхона ва ташкилотларнинг нефть-газ саноатида 67 фоизида, озиқ-овқат саноатида 52 фоизида, енгил саноатда 49 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 45 фоизида, кимё саноатида 42 фоизида, электроэнергетика тармоғида 22 фоизида, транспорт хизмати соҳасида 59 фоизида, қурилиш ишлари соҳасида 48 фоизида ҳамда туризм соҳасида фақатгина 22 фоизида инвестицияларни амалга оширилган.

Инвестицияларнинг 34 фоизи бино ва иншоотлар қуриш ҳамда реконструкция қилишга, 53 фоизи ускуналар ва бошқа асосий воситалар харид қилиш ва ўрнатишга йўналтирилган.

Инвестицияларни амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад сифатида корхона ва ташкилотларнинг 47 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, 17 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда 13 фоизи янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўрсатган.

Сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 45 фоизи инвестицион харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан, 36 фоизи эса банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирганигини маълум қилган (12-расм).

12-расм. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари



3.6. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати

Корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминланганлик даражаси ўрганилганда:

респондентларнинг **32** фоизи корхона фаолияти учун зарур бўлган **табиий газ таъминотида** муаммолар мавжудлигини;

39 фоизи **электр энергияси таъминотида** муаммолар борлигини;

45 фоизи эса корхона (ташкилот)нинг зарур **инфратузилма объектлари**дан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланишда муаммолар мавжудлигини маълум қилган.

Тармоқлар кесимида қурилиш материаллари саноатида корхона ва ташкилотларнинг 44 фоизи табиий газ таъминотида ва 47 фоизи электр энергияси таъминотида, енгил саноат корхоналарининг 35 фоизи табиий газ таъминотида ва 31 фоизи электр энергияси таъминотида ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарининг 33 фоизи электр энергияси таъминотида муаммоларга дуч келмоқда.

Бу эса электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш ҳисобига етарли даражадаги маҳаллий хом-ашё базасига эга бўлган мазкур тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва

экспорт қилиш ҳажмларини сезиларли даражада ошириш ҳамда ички бозордаги нархлар даражасини пасайтириш имкониятлари мавжудлигини билдиради.


3.7. Кредитлаш шарт-шароитлари

Сўровнома натижалари 2018 йилнинг II чораги давомида корхона ва ташкилотларнинг 40 фоизи томонидан тижорат банкларидан кредит маблағлари жалб қилинганинги кўрсатмоқда.

Хусусан, корхона ва ташкилотларнинг нефть-газ саноатида 30 фоизи, тоғ-кон саноатида 60 фоизи, кимё саноатида 27 фоизи, қурилиш материаллари саноатида 48 фоизи, озиқ-овқат саноатида 40 фоизи ва енгил саноатда 36 фоизи ҳисобот даврида тижорат банклари кредит маблағларини жалб қилган.

Респондентларнинг **кредит олиш шартлари ва улар билан боғлиқ муаммолар** бўйича фикрлари ўрганилганда, уларнинг 37 фоизи ҳисобот даврида кредит олиш шартларининг яхшиланганлигини, 27 фоизи ўзгармаганлигини, 15 фоизи эса талабларнинг кучайганлигини кўрсатиб ўтган (13-расм).

13-расм. Тижорат банк(лар)идан кредит олиш шартлари ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Шунингдек, сўровнома натижаларига кўра, айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасини юқори даражада деб баҳолаган корхона ва ташкилотларнинг улуши 24 фоизни, қониқарли даражада деб баҳолаган респондентларнинг улуши эса 68 фоизни ташкил этди.

3.8. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши


Сўровнома давомида мамлакатдаги иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши бўйича олинган ижобий натижаларга мос равишда, респондентларнинг **46** фоизи 2018 йилнинг II чораги давомида ўз корхона ва ташкилотларида иш ўринлари сонининг кўпайганлигини маълум қилган (14-расм).

Тармоқлар кесимида, иш ўринлари сонининг ортиши корхона ва ташкилотларнинг тоғ-кон саноатида 80 фоизида, қурилиш соҳасида 67 фоизида, тиббий хизмат соҳасида 60 фоизида, транспорт соҳасида 59 фоизида, енгил саноатда 50 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 45 фоизида, озиқ-овқат саноатида 38 фоизида, кимё саноатида 33 фоизида, туризм соҳаси корхона ва ташкилотларининг 29 фоизида кузатилган.

Шу билан бирга, сўровномада қатнашган нефть-газ саноати корхоналарининг 50 фоизида иш ўринлари сони қисқарган бўлса, электроэнергетика тармоғида иш ўринлари сони ўзгаришсиз қолган.


Бунда, ҳисобот даврида корхона ва ташкилотларнинг 50 фоизида иш ҳақи миқдорлари оширилган бўлса, 49 фоизида иш ҳақи миқдорлари ўзгармаган (15-расм).

14-расм. Иш ўринлари сони ўзгариши



- иш ўринлари кўпайди
- иш ўринлари камайди
- иш ўринлари сони ўзгармади

15-расм. Ўртача иш ҳақи миқдори ўзгариши



- иш ҳақи ошди
- иш ҳақи камайди
- иш ҳақи ўзгармади

Хусусан, жорий йилнинг II чораги мобайнида иш ҳақи миқдорлари оширилган корхона ва ташкилотларнинг 16 фоизида ўртача иш ҳақи 1-5 фоиз оралиғида, 37 фоизида 6-10 фоиз оралиғида, 22 фоизида 11-15 фоиз оралиғида ҳамда 13 фоизида эса 16-20 фоиз оралиғида оширилган.

IV. ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИНГ КУТИЛМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

4.1. Ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва нархлар ўзгариши

Марказий банк пул-кредит сиёсати чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда уларга зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришларни киритиб бориш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда жорий йил якуни бўйича ҳамда келгуси йил учун мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларини баҳолаш мақсадида сўровнома доирасида корхона ва ташкилотларнинг яқин истиқболдаги иқтисодий кутилмалари ҳам ўрганилди.

Хусусан, **2018 йил якуни бўйича:**

корхона ва ташкилотларнинг **69** фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ошиши кутилаётган бўлса, **5** фоизида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кутилмоқда;

ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши кутилаётган корхона ва ташкилотларнинг 20 фоизида ўсиш суръатининг 1-5 фоиз оралиғида, 30 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 15 фоизида 11-15 фоиз оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда;

экспортёр корхоналарнинг **72** фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, респондентларнинг 23 фоизида ўсиш суръатининг 1-5 фоиз оралиғида, 29 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 14 фоизида 11-15 фоиз оралиғида бўлиши кутилмоқда;

корхона ва ташкилотларнинг **67** фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг 2017 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, респондентларнинг 24 фоизида нархлар ўсиши 1-5 фоиз оралиғида, 38 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 16 фоизида 11-15 фоиз оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, **2019 йил учун:**

корхона ва ташкилотларнинг **71** фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, корхона ва ташкилотларнинг 17 фоизида ўсиш суръатининг 1-5 фоиз оралиғида, 31 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 15 фоизида 11-15 фоиз оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда;

экспортёр корхоналарнинг **84** фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, респондентларнинг 22 фоизида ўсиш суръатининг 1-5 фоиз оралиғида, 24 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 15 фоизида 11-15 фоиз оралиғида бўлиши кутилмоқда;

корхона ва ташкилотларнинг **70** фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, респондентларнинг 20 фоизида нархлар ўсиши 1-5 фоиз оралиғида, 41 фоизида 6-10 фоиз оралиғида ҳамда 21 фоизида 11-15 фоиз оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг келгусида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва инвестицион фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар ўрганилганда, респондентларнинг:

18 фоизи солиқ юкининг юқорилиги ва солиқ маъмуриятчилигининг мураккаблигини;

11 фоизи молиявий маблағларнинг етарли эмаслигини;

13 фоизи бозордаги носоғлом рақобат муҳити ва шароитларни;

ҳамда **9** фоизи ички бозорда корхона маҳсулотлари ўрнини босувчи импорт товарларининг кўплигини асосий омиллар сифатида кўрсатиб ўтган.